



Аллох таолодан пайгамбарлар воситаси билан хар хукм келган бўлса, шуни калбинг билан рост ва хак деб билсанг хамда тилингда тасдик килсанг, муслмончилик шудир. Калимаи тоййиба - “Ла илаха иллаллоху Мухаммадур росулulloх” деб тил билан айтмок ва унга дилда икрор бўлмок ахли суннат ва жамоат эътиқоди, мотуридиялар акидасидир, асл имон шудир. Агар ким буни рад этса, охиратда пушаймон бўлади.

Якин билгилки, иймон бўлмагай кам,
Эрур бирдек, зиёда бўлмагай хам.
Бу сўздур ахли суннатни тарики,
Жадал этди бу сўзда хар фарики(Фарик - фирка, одамларнинг жамоаси, тоифа, тўда, гурух).

Аник билгилки, имон бир хилда, бир холда собит туради, кам хам, зиёда хам бўлмайди. Яхши амаллар таъсирида имоннинг нури зиёдалик касб этади. Ахли суннат вал жамоат эътиқоди шудир.

Биз ибодат килмай юрган кишини хам мўмин, муслмон деймиз. Бу борада баъзи фиркалар тортишиб, бахслашганлар. Жумладан, бенамоз кишиларни муслмон эмас, деб атовчилар бор. Улар бенамоз таниш-билишлари вафот этса, унинг жанозасига боришдан тийиладилар.

Дунёнинг турли бурчакларидаги урушлар, низолар ҳам мана шу ақида асосида содир бўлмоқда. Чунки амални имондан бир қисм деб тушунувчи фиркалар бенамозларни ўлдириш керак, уларнинг моли ҳам, қони ҳам бизга ҳалол, деб ҳисоблайдилар. Бундай эътиқоддаги кишилардан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Буюк бобомиз Имом Мотуридий таълимотига кўра Аллохнинг борлиги ва бирлигини дили билан тасдиқлаган ва тили билан иқрор қилган киши мўмин ва мусулмон ҳисобланади, ибодатсиз юргани учун гуноҳкор бўлади, лекин кофир саналмайди. Кўриниб турибдики, мотуридийлик таълимоти ўз табиатига кўра тинчликпарвар, адолатпарвардир.

Бўлур аммо амал зойиду(Зойид - зиёда бўлувчи, зиёда, кўп.) нуксон,
Топар яхши амалдин ужра(Ужра - ҳақ, маош, меҳнат ҳақи.) инсон.

Аммо амал кўп ва кам бўлади. Агар киши яхши амал қилса, ундан ўзи учун ҳақ, яъни савоб олади. Хатто ашъариялар ҳам амални қомил имондан бир жуз билиб “имон кам ва зиёда бўлади”, дейдилар. Бундай ихтилофлар ечимларини мутававалот (қатта муқаммал китоб)лардан топиш мумкин.

Амал айланг ва лекин аймагайсиз:
«Амалдин доҳили жаннат бўлурмиз».

Амали солих қилинг, лекин амал сабабидан жаннатга қирамиз деб айтманг. Бандалар амални қилаверадилар, лекин “қилган амалимиздан жаннатий бўламиз”, деб қибрланиш ҳам ноўриндир.

Ани амрин дилу жонинг била ол,
Амал қил ҳам Ўзининг фазлига сол.

Насиб этса бихишт Ўз фазлидур бил, Амалга иттико(Иттико (иттиқол) - ишониш, суяниш.) қилмай амал қил.

Гараз улқим, амалга бўлма мағрур,
Амал қилгил, амалга банда маъмур(Маъмур - амр қилинган, тобе, буюрилган.).

Аллох таоло буйруқларини дилу жон билан қабул этиб ол ва амал қилавер, аммо бу амалларга суяниб қолма, Аллохнинг фазлига сол, охиратда жаннат насиб этса, Аллохнинг фазлидан деб бил ва амалингнидан кўрма, амалга суянмай амал қил. Хуллас, қилган амалингнига мағрур бўлма, аммо солих амаллар қилишда давом эт, чунки банда Аллох тарафидин амалга маъмур - буюрилгандир. Токи жон бор ҳеч қим тақлифдан қутулмас.

Амал қилмоқдин аҳли истифода
Дедилар: «Нури иймондур зиёда».

Ва гар на бўлмас иймон зойиду кам, Ақийда булдур, эй фарзанди одам.
Аҳли илмлар, уламолар дейдиларки: “Амал қилган кишида имон нури зиёда бўлади”. Ва лекин имоннинг асл жавҳари, асоси зиёда ҳам бўлмайди, кам ҳам. Пайгамбарлар, саҳобалар, уламолар билан оддий мусулмоннинг имони бир ҳил. Яъни, улар Аллох

таолони кайси сифатлари билан таниган бўлсалар, шариат кўрсатмаси бўйича қандай эътиқод қилсалар, бошқа мўминлар ҳам шу тарзда имон келтирганлар. Аммо у зотларнинг имонлари қомил ва нури зиёдароқдир. Эй Одам фарзанди, билгилки, ҳақиқий мотуридия таълимоти шудир.

Амалнинг нафъи ҳам иймон биландур, Қачон ёлгуз амал қилгон биландур.

Наъувзу биллах(Наъувзу биллах - Аллох сакласин.), иймонсиз кишини Кабул этмас Худойим ҳеч ишини.

Агарчи яхшилар аъмолин этса, Тасаддук(Тасаддук - садақа қилиш.) ер юзини молин этса.

Риёзат бирла бўлса эртаю кеч

Ўшалқим сидқи йўқтур - қилгани ҳеч.

Амалнинг фойдаси имон туфайлидир, холос. Имонсиз, қурук амал қилгандан ҳеч нафъ йўқ. Наъувзу биллах, имонсиз кишининг қилган амалларини Аллох таоло қабул этмайди. Агар киши яхши амаллар қилса ҳам, бутун ер юзининг молини садақа сифатида берса ҳам, эртаю кеч риёзат чекса ҳам, имон келтирмаса, қилган амаллари ҳам бефойдадир. Қуръони қаримда бундай дейилган:

“Албатта, қофир бўлган ва қофир ҳолларида ўлганларнинг бирортасидан (киёмат азобидан қутулиши учун) агарда ер юзи тўла олтинни бадал сифатида берса ҳам, асло қабул қилинмас. Ана ўшаларга аламли азоб бору, ёрдам берувчилар йўқдир”.(Оли Имрон сураси, 91-оят.)

Ҳадиси шарифда хабар берилишича, киёмат қуни қофир қимсадан: “Агар дўзахга тушишдан қутулишинг учун сендан ер юзи тўла олтинни бадал сифатида талаб этилса, рози бўлармидинг?” деб сўралади. У бажонидил розилигини билдиргач, “Сендан ёруғ дунёда бундан енгилроқ нарса талаб этилган эди, лекин сен унга рози бўлмаган эдинг”, дейилар экан.

Аллохтаоло бу дунёда инсондан қўп нарса талаб қилмайди. Балки Унинг биру борлигига имон келтириб, пайгамбари етказган буйруқ ва тақиқларга риоя қилиб, зиммасидаги вазифаларни адо этиб ўтса, қифоя. Инсон тоқатидан ортиқ машаққат ва тоат-ибодатга мажбур этилмайди.

Ҳақиқатан, охирадда Аллохнинг ваъда ва ваъидлари ҳақ эканига тўла ишонч ҳосил қилган мўминлар ҳам, инонмаган қофирлар ҳам ёруғ дунёда қўп умрларини зое ўтказганлари учун пушаймонда бўладилар; қофирлар имон келтирмаганлари учун, мўминлар савобли ишларни қўпроқ қилмаганлари учун.

Бўлур дўзах ани охир макони,

Қутулмас харғиз они жисму жони.

Имонсиз кишининг охириги манзили дўзах бўлади ва у ердан ҳеч қачон қутулмайди. Бу борада ояти қаримада бундай дейилган:

“Бас, ўшанда бахтсиз бўлганлар (қофирлар ва гуноҳкор мўъминлар) дўзахда бўлурлар ва улар у ерда инграб-ханграб турурлар.

Модомики (охираддаги) осмонлар ва ер бор экан, (улар) у ерда мангудирлар, илло Раббингиз хоҳлагани (мўъминларни ундан чиқариши) бундан мустаснодир. Албатта, Раббингиз истаган нарчасини амалга оширувчидир!”(Худ сураси, 106-107-оятлар.)

Аллох асрасин, бадбахт қимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оху фарёд қиладилар,

хайвонсифат нохуш овоз чиқарадилар, унда абадул-абад қоладилар, дейиляпти. Гунохкор мўъминларни эса, маълум вақтўтгач, қилмишларига муносиб жазони олганларидан кейин Аллохтаоло ўз фазлу мархамати билан дўзахдан чиқаради. Бунинг учун гунохкор банда тавба қилиши ва айникса, Аллохтаолога ширк келтирмаслиги шарт. Бу ҳақда Аллохтаоло бундай марҳамат қилган:

“Албатта, Аллох ўзига (бирор нарса) шерик қили-нишини кечирмайди. Бундан ўзга (гунохлар)ни (Ўзи) хоҳлаган кишилар учун кечиргай. Қимда-қим Аллохга ширк келтирса, демак, у (тўғри йўлдан) жуда узокка адашибди”.(Нисо сураси, 116-оят.)

Ақоидга кўра, мусулмон одам каттами, қичикми, гунох қилса, қофир бўлмайди, балки гунохкор бўлади. Гунохни эса кечириб ёки кечирмаслик Аллохнинг ихтиёридадир. Кечирилмайдиган гунох - бу ширк ва қуфрдир. Мазкур оят шу ақидавий масалага асос бўлади.

Хуллас, Аллох таоло ўзига бирор нарса ёки қимсаннинг шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гунохларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечиради. Киши имонини саломат сақлаб, охиратга ўзи билан бирга олиб кета олса, бахту давлат шу!

Агар иймон насиб этса кишига,

Берур узра ани хўб қилмишига.

Агар чанди қабоир(Қабоир - қатта гунох.) қилса беҳад

Тамугда(Тамуг-дўзах,) қолмас иймонлиг муаббад(Муаббад - абадий.).

Агар Гафуру Роҳийм бўлган Парвардигоримиз кишига имонни насиб қилса, унинг қилган яхши амалларига савоб беради. Агар қатта гунохларни беҳад қўп қилса ҳам, имонли киши дўзахда абадий қолмайди.

Аллох таоло имон нуруни насиб этган киши агар беҳисоб гуноҳи қабира қилса ҳам, дўзахда абадий қолмайди. Аллохнинг фазли билан, Расулulloх (соллalloху алайхи ва саллам)нинг шафоатлари билан ва ёки қилган гуноҳи баробарида азобланиб охир жаннатга қиради.

Сўфи Аллоёрнинг

"Саботул ожизн шархи" қитобидан